# Аллоҳ таоло бир қанча фарзларни лозим этди, бас, уларни зое қилмангиз. Ҳад- чегараларни белгилади, уларни босиб ўтмангиз. Айрим нарсаларни ҳаром қилди, уларга яқин йўламангиз. Баъзи нарсалар хусусида - унутганидан эмас, сизларга марҳамат кўрсатиб, сукут қилди, бас, улар устида баҳс қилмангиз

Абу Саълаба ал-Хушаний Журсум ибн Ношир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло бир қанча фарзларни лозим этди, бас, уларни зое қилмангиз. Ҳад- чегараларни белгилади, уларни босиб ўтмангиз. Айрим нарсаларни ҳаром қилди, уларга яқин йўламангиз. Баъзи нарсалар хусусида - унутганидан эмас, сизларга марҳамат кўрсатиб, сукут қилди, бас, улар устида баҳс қилмангиз».
[Имом Нававий: «Ҳасан ҳадис», деган] [Дорақутний «Сунан» китобида ривоят қилган ва бошқалар ҳам ривоят қилганлар]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло бир қанча нарсларни вожиб ва фарз қилганлигини, бас, ўша нарсаларни бажаришимизни ва эътиборсизлик ҳам, тарк ҳам қилмаслигимизни буйруқ қилдилар. Аллоҳ таоло Ўзи рози бўлмайдиган нарсалардан қайтишимиз ва бажармаслигимиз учун чегара ва тўсиқларни белгилаб қўйди. Шу билан бирга шариат буйруқларига қўшимча қўшмаслигимизга буюрдилар. Яна буюрдиларки: Аллоҳ таоло бир нечта нарсаларни ҳаром қилди, унга яқинлашманг ва қабул ҳам қилманг. Булардан бошқа нарсалар ҳақида бандаларига раҳмат ўлароқ ҳукм чиқармади, тарк қилиб қўйди. Шунинг учун мубоҳ ҳолатида қолди, у нарсаларни қидирманглар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66510